

**Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик жиноятининг
олдини олишда жамоат ташкилотларининг роли**

Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда, ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, мамлакатимиз олдида турган долзарб масалалардан биридир. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш, бу албатта, ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим даражаси, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юқорилигига боғлиқдир.

Бизга маълумки, мамлакатимизда ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамоат ташкилотларининг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кўплаб жамоат бирлашмалари ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бинобарин, мазкур ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлар ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида тузилган.

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш, маданий-маърифий, спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикаларо ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ҳамда дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилган.

Мамлакатимизда фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган,

* ТДЮИ ўқитувчиси

** ТДЮИ талабаси

шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди¹.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуроли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади².

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ёшлар ўртасида содир этилаётган гиёҳвандлик билан боғлиқ содир этилган ҳуқуқбузарликлар йилдан - йилга кўпайиб бормоқда. Бинобарин, айрим минтақалардаги таълим-тарбия муассасаларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли тўғаракларга жалб этиш, мавжуд спорт майдончалари ва кутубхоналардан тўғри ҳамда унумли фойдаланишга етарли эътибор берилмаганлиги сабабли ўқувчилар томонидан оғир турдаги жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган. Жиноятларнинг аксарияти, дарсдан сўнг бўш юрган, ота-оналарининг назоратсиз қолган, спорт тўғаракларига жалб этилмаган ўсмирлар томонидан содир этилганлиги маълум бўлди³.

Вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ содир этилган жиноятлар Жиззах, Андижон, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида 1 га, Тошкент вилоятида 5 дан 11га, Самарқандда 4 дан 8 га, Фарғона ва Сурхондарёда 1 дан 4 га, Хоразмда 2 дан 5 га, Республикада эса, 36 дан 45 га ошиб кетган.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ содир этилган жиноятлар, 2005 йилда жиноят содир этганлар 622 дан 589 га камайган бўлса-да, Тошкент вилоятида 55 дан 67 га, Сирдарёда 5 дан 7 га, Навоийда 9 дан 17 га, Фарғонада 75 дан 82 га, Сурхондарёда 5 дан 9 га ошиб кетган. Талабалар томонидан қасддан одам ўлдириш, баданга оғир тан

¹ “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун. 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм.

² Ўша ерда: 3-модда

³Қаранг: “Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг 2005 йилдаги аҳволи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 2006 йил 15 январда №26/73-сонли “Қамолот” ЁИХга хат орқали тақдим этган Ахбороти.

жароҳати етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўзгалар мулкини ўғирлаш, **гиёҳвандлик билан боғлиқ** ва безорилик каби жиноятлар Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўпайиб кетган⁴.

Аслида, гиёҳвандлик нима? У қаердан вужудга келди ва қандай оқибатларни келтириб чиқаради? Бизнингча, ушбу саволларга қуйидагича жавоб беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Гиёҳвандлик (“наркомания” юнонча, нарке - карахтлик ҳамда мания - телбалик, жаҳл, шодхуррамлик) наркотик ва наркотик таъсирга эга бўлган моддаларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳисобланади. Гиёҳвандлик, гиёҳванд моддаларни доимо қабул қилиш натижасида вужудга келади. Бинобарин, ушбу хасталик билан оғриган кишининг жисмоний ва рухий ҳолати, унинг хуморини босадиган тегишли наркотик моддани истеъмол қилишига боғлиқ бўлади.

Наркомания организмда чуқур ўзгаришларга сабаб бўлади. Касаллик аста-секин ривожланиб боради ҳамда сурункали давом этади. Наркотик моддалар дастлаб, хурсандлик, вақтичоғлик, хотиржамлик ҳиссини уйғотиб, кайф қилдириши сабабли, истеъмол қилиниб бора-бора касалликка айланади. Қуйидаги икки ҳолатда наркотик моддаларга ўрганиб қолиниш ҳоллари кузатилиши мумкин:

биринчидан, киши ўз хоҳишидан ташқари, эътиборсизлиги натижасида наркотик моддаларни хумор қиладиган бўлиб қолади. Бундай бангилик кўпинча, врач буюрган наркотик моддаларни нотўғри истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Сал нарса таъсир қилиб, ташвиш кучайиб кетади, баъзи касаллар оғриқ, уйқусизлик, ва дарднинг бошқа томонларидан қутулиш мақсадида охирини ўйламай, врач кўрсатмасини ҳам писанд қилмай, ўзбошимчалик билан наркотик модда дозасини ошириб қабул қилишади.

Бундай беморлар одатда, аҳволларининг яхшиланиши дори туфайли бўлаётганини сезиб, уни ичишни давом эттира бошлайдилар. Кўпинча эса, аҳволларининг оғирлигидан нолиб врачни алдайдилар. Бу зайлда иш тутишнинг оқибати ёмон бўлиб, наркотик моддаларга унчалик зарурат бўлмаса ҳам, уни қабул қилинаверади. Организмга наркотик таъсири янада орта боради,

⁴ Ўша ерда.

натижада наркотик моддага мойиллик кучайиб, у хумор қиладиган бўлиб қолади. Наркотик модда дозасини ўзбошимчалик билан ўзгартириб бориш ва уни тез-тез ҳамда узоқ муддат қабул қилиш наркоманияга олиб келади.

иккинчидан, онгли равишда кайф қилиш мақсадида наркотик моддаларга ўрганишдир. Наркоманияга одатда, ўзини тия билмаган, руҳан заиф, иродаси кучсиз, бировларга тақлид қиладиган, хуморни тарқатишдан бошқа нарсани билмайдиган, ўта худбин кишиларгина берилади. Бундай кишилар ўз майилларига қарши юролмайдилар. Шунинг учун уларнинг кайф қилишга мойилликлари кучли бўлади. Бангилик авж олиб кетади. Бу касалликка учраганларда хасталик жуда оғир кечиби, одатда кутилмаган ёмон оқибатларга олиб келади.

Бангиликка мубтало бўлганлар наркотик моддаларни қайта-қайта ва кўп миқдорда истеъмол қилгиси келаверади. Кейинчалик эса, наркотик моддаларни қабул қилмасдан туrolмайдиган, ўша бўлмаса худди “бирор нарсa етишмаётгандай” бўлиб қолади. Бундай аҳволдан қутулиш ҳамда ўзини енгил ҳис қилиш учун яна наркотик моддага ружу қилади. Шу тариқа, наркотик моддаларга мойиллик-бангилик келиб чиқади. Бора-бора организмда наркотик моддаларга мойиллик шу даражада кучайиб кетадики, наркотик моддалар кучини йўқотгандек бўлиб қолади, энди у аввалгидек хумор тарқатиш учун доридан кўпроқ миқдорда истеъмол қилгиси келади. Банги одам навбатдаги кайфни суриш учун ҳар қандай пасткашликларга боради, сотқинлик, алдаш, зўрлик, ўғриликлардан тоймайди. Организмга наркотик модда кирмаса, чуқур руҳий ва жисмоний ўзгаришлар содир бўлади. Хасталик ривожланган сари организмда дармон куриши ҳам кучая боради. Наркотик модданинг кучи организм учун оғирлик қилади. Наркотик моддаларнинг олдинги истеъмол қилиб юрган дозаси энди ёмон таъсир қила бошлайди. Заҳарланиш оғир кечади. Наркотик модданинг дозаси озгина ошиши билан бемор ўлиб қолиши мумкин. Наркоманияни даволаш фақат психиатрия касалхоналарида врачларнинг қаттиқ назорати остида олиб борилиши керак⁵.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вояга етмаган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик жиноятининг олдини олишга жамоат ташкилотларининг шу фаолиятдаги ролини ошириш орқалигина эришилади. Шу жумладан, улар вояга етмаган ёшлар

⁵ Интернетдан олинган маълумот: <http://www.ziyo.net>

ўртасида содир этилаётган гиёҳвандлик жиноятлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда давлатнинг шу соҳада фаолият олиб боровчи органларига кўмаклашишлари асосида вужудга келади. Шундай экан, давлатимизнинг вояга етмаган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик жиноятининг олдини олиш соҳасидаги устувор йўналишлари бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига эришиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, вояга етмаганлар қаровсизлиги, ҳуқуқбузарлиги, жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда ўқимасдан ва ишламасдан юрган вояга етмаганлар ва ёшларни ўқишга, ишга жалб қилиш борасида ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, Ички ишлар идоралари билан ҳамкорлик йўлга қўйилишида жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоа ташкилотларининг ташаббускорлиги кучайтирилиши;

Иккинчидан, маҳаллаларда, корхона-ташкилотларда, барча турдаги ўқув-тарбия муассасаларида ва жамоатчилик уюшмаларида вояга етмаганлар ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар ўтказилишини ҳамда бу тадбирларга кенг жамоатчиликнинг жалб қилинганлигини, бу борада эришилган ютуқларини, йўл қўйилган камчиликларни ОАВ орқали доимий равишда ёритиб борилиши;

Учинчидан, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳеч қаерда ўқимасдан, ишламасдан юрган ёшларни, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ўқувчи-талабаларни бўш вақтларида турли спорт тўғаракларига жалб этиш юзасидан ҳаракатнинг жойлардаги бўлимларига тегишли кўрсатмалар берилиб, бажарилишини назоратга олиш.